



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги нутқи

**Илгари хабар қилинганидек, шу йилнинг 22 июни Президент Ислон Каримов мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Хитой Халқ Республикасининг Раиси Си Цзиньпин билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб, депутатлар ва сенаторлар билан учрашди. Қуйида давлатимиз раҳбарининг мазкур учрашувда сўзлаган нутқи матни эълон қилинмоқда.**

Мухтарам Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари!

Қадри хитойлик дўстлар!  
Хурматли депутатлар!

Бугун шу муҳташам залда нафақат мамлакатимиз интеллектуал оламнинг таниқли намояндалари, айти вақтда, таъбир жоиз бўлса, бутун Ўзбекистоннинг тимсоли, халқимиз барча қатламларининг вакиллари бўлган инсонлар йиғилган. Юртимизда содир бўлаётган улкан ислохот ва ўзгаришларга, Ўзбекистоннинг барқарор суръатлар билан ривожланишига, бир сўз билан айтганда, биз эришаётган муҳим ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётган, бу жараёнларда депутат ва сенатор бўлишдан аввал ҳам фаол иштирок этган одамлар ўтирибди.

Бугун сиз, азизлар — парламентимизнинг ҳар икки палатаси вакиллари ўз юксак мавқеингиз билан мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиликларни жараёнларининг ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида фаолият кўрсатмоқдасиз. Сизларнинг орангизда мен доимо «азиз фарзандларим» деб ўз меҳрим ва эътиборимни билдирадиган ёш авлодимизнинг ҳам кўллаб вакиллари борлиги мени айниқса хурсанд этади. Ишонаманки, сизлар нафақат халқимиз, балки бутун Ўзбекистон халқининг манфаатларини ифода этасиз.

Хозирги вақтда юртимизда турли соҳаларда қўлга киритилган улкан натижалар сайловларда сизу бизга ишониб, овоз берган одамларнинг, халқимизнинг орзу-ниятлари албатта амалга ошади, деб айтишга тўла асос беради.

Мана, ўзингиз гувоҳсиз, бугунги кунда биз кейинги ўн йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида яппи ички махсулотнинг ўсиши бўйича 8 фозидан зиёд кўрсаткичга эришмоқдамиз. Бундай юксак марраларга эришиш учун бизнинг ривожланган хорижий давлатлар, жумладан, яқин ҳамкоримиз бўлган, бизнинг дўстимиз Си Цзиньпин раҳбарлик қилаётган Хитой мамлакатининг тажрибасини ўрганиб иш олиб бораётганимиз сизларга яхши маълум. Хитойнинг қандай катта ўсиш суръатлари билан тараққий этаётгани, бир пайтлар мамлакат яппи ички махсулотининг йиллик ўсиши 10-12 фозини ташкил этганидан ҳам сизлар албатта хабардорсиз.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: бу залда Ўзбекистонга ким амалда дўсту ким огизда дўст эканини яхши биладиган одамлар ўтирибди. Бу ҳақда гапиришимнинг боиси шундаки, бизнинг бундай ўсиш суръатларимизга қандайдир ғайирлик билан қарайдиганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Биз фақат бир нарсани, яъни, бутун инсоният каби, дунёнинг энг илгор ва ривожланган давлатлари каби муносиб ҳаёт кечиршни истаймиз. Хозирги кунда Хитой шундай юксак ривож топган давлатлардан бири эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугун биз ўз зиммасига катта бир масъулиятни — Хитой Халқ Республикасида буюк давлатни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш вазифасини олган етакчи билан учрашди турибмиз. Ҳаммамиз яхши биламиз, ислохотчи шахсларнинг ҳаёти осон кечмайди. Ислохотчи бир ишни бошлашда, уни охиригача етказмасдан қўймайди, ўз мақсадига етмагунча ҳеч қачон тиниб-тинчмайди. Бугун йил ўтганини, бугунги ҳаёт талабларини чуқур англаган ҳолда, у ана шундай ўта оғир ва мураккаб вазифани, яъни Хитойни янада тараққий топган давлатга айлантириш масъулиятини ўз зиммасига олганини айтиди. Хозирги вақтда Хитой мамлакатининг Раиси раҳнамолигида ана шу тараққий йўлини изчил давом эттираётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Биз ҳам ўзимиз танлаган, ҳар томонлама чуқур ўйланган ислохотлар йўлидан катъият билан бориб, улкан муваффақиятларга эришмоқдамиз. Лекин, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ўз олдимишга қўйган буюк мақсадларга етиб бориш учун бу ҳали етарли эмас. Авваламбор, янада жадид тараққий этишимизга ҳалақит қилаётган, йўлимизда гов-тўсиқ бўлиб турган айрим масалаларни қайта кўриб чиқишимиз зарур. Бу, албатта, ниҳоятда масъулиятли вазифадир.

Бу ҳақда гапирганда, бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаб ўринлидир. Мамлакатимиз мустақил тараққий йўлига қадам қўйган дастлабки йилларда бизга ҳеч ким четдан келиб ёрдам бергани йўқ. Агар 25 йил ол-

динги тарихга назар ташлайдиган бўлсак, юртимиз қандай оғир аҳволга тушиб қолгани яққол аён бўлади. Бизга эски мустақил тузумдан бирқалама ривожланган, пахта монополияси авж олган, асосан хомашё етказиб беришга мослашган заиф ва ночор иқтисодий мерос бўлиб қолган эди. Пахтани ўзимиз етиштирар эдиг-у, лекин унинг нархи амалда қанча эканини билмас эдик. Уни фақат хомашё сифатида билардик, холос. Қайта ишланган пахта собик Марказга кетар, уни четга сотиш билан ҳам фақат Марказ шуғулланар эди.

Тасаввур қиласизми, мен ўша пайтда республика молия вазирини бўла туриб олтин қазиб олиш бўйича СССРда иккинчи ўринда турадиган Ўзбекистонда олтиннинг баҳоси қанча эканини аниқ билмас эдим. Юртимиз заминидан катта ҳажмда қазиб олинган турли нодир металллар, уран ва бошқа стратегик товларлар ҳақида ҳам бизда ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Мухтасар айтганда, собик тузум даврида Ўзбекистон ярим мустақил даражасидаги республика эди. Энг ёмони, ўша пайтда юртимизнинг ўзида биронта ҳам мустақил бошқарув, режалаштириш идораси йўқ эди. Биз ҳатто солиқни қандай йиғиш, давлат хазинасини қандай тўлдириш, одамларни қандай боқиб кераклигини ҳам билмас эдик. Мустақиллик арафасида 20 миллиондан ортиқ аҳолимизни боқиб учун юртимизда бор-йўғи 15 кунга етadиган ун ва бугдой захираси қолган эди, холос. Буларнинг барчаси Ўзбекистон қандай оғир аҳволда, деярли жар ёқасига келиб қолганини кўрсатади.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Ана шундай ўта қалтис бир вазиятда бизга ким ёрдам берди? Ўзбек халқи дўст кулфатда билинишни ҳеч қачон унутмайди. Хитой халқида ҳам, ўзбек халқида ҳам дўст кулфатда, яъни оғир вақтда ёрдам қилини чўзиши ҳақида мақоллар бор. Тилда бир гапни айтиб, дилида бошқа нарсани ўйлайдиган, амалда эса мутлақо бошқа ишни қиладиганларни албатта дўст деб бўлмайди.

Биз аҳолиси 1 миллиард 300 миллион кишини ташкил этадиган Хитойдек улкан мамлакатнинг стратегик шериги бўлиш масъулиятини яхши англаймиз. Беқиёс салоҳиятга эга бу мамлакат бир авлод ҳаёти давомида, тасаввур қилинг, иқтисодий ўсиш бўйича жаҳон микёсида иккинчи ўринда турадиган давлатга айланади. Глобал тараққий локомотиви сифатида кўллаб муҳим сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда фақат иштирок этадиган дав-

латга эмас, айти пайтда, бу масалаларни ўзи мустақил ҳал эта оладиган қудратли мамлакатга айланади. Бундай давлатнинг стратегик ҳамкори бўлиш биз учун катта шараф.

Сизларга яхши маълум, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ватанимизга бу сафарги ташрифини тўғри пойтахтимиз Тошкент шаҳрига келишдан эмас, балки қадимий шаҳарларимиздан бўлган Бухоро билан танишишдан бошлашга қарор қилди.

Шуни айтиш керакки, юксак мартабали меҳмонимиз Бухорога келиб, Арки зиёрат қилди ва унинг деворларидан юқорига кўтарилиб, бутун шаҳарни томоша қилди. Бу — мамлакатимизнинг бой тарихига, неча минг йиллик тараққий ва маданиятни ўзида мужжасам этиб келаётган юртимиз заминига чуқур ҳурмат ифодасидир.

Хозирги вақтда Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Хитойнинг Сиань шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган. Келгусида Бухоро билан Хитой Халқ Республикасининг яна бир шаҳри биродарлашувига ишонаман.

Бугун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жанобларининг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида ўзаро ҳамкорлигимиз истикболлари ва устувор йўналишларини белгилаб берадиган кўллаб ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг орасида Хитой томонидан Ўзбекистонга кредит сифатида 2,7 миллиард доллар ажратилиши ва умумий қиймати 6,2 миллиард долларлик объектлар қурилишини назарда тутадиган ҳужжатлар борлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ана шундай муҳим келишувлар учун ўз номимдан, сизларнинг номингиздан Хитой Халқ Республикаси Раисига миннатдорлик билдираман.

Мен Си Цзиньпин жанобларининг «Биз Ўзбекистон Президенти билан бир-биримизни яхши тушунамиз» деган сўзларини тақрорламоқчиман ва бундай юксак эътирофни ўзим учун катта шараф деб қабул қиламан. Бизнинг ҳар биримиз, айниқса, халқнинг ишончли вакиллари бўлган сиз, хурматли депутатлар Хитой билан ҳамкорликни кадрлашимиз ва бу ҳамкорлик юксак самара бериши учун янги йўللارни излаб топишимиз лозим.

Сўзимнинг якунида бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Хитой халқининг фаровонлиги — бу Ўзбекистон халқининг фаровонлиги — бу Хитой халқининг фаровонлигидир.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги нутқи

Мухтарам Президент Ислон Каримов!

Хурматли депутатлар, хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида бўлиб ўтган расмий музокаралар чоғида биз Президент Ислон Каримов билан Хитой ва Ўзбекистоннинг сиёсий жиҳатдан бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашни мустақамлаш ҳамда худудий, суверенитет ва хавфсизлик масалалари бўйича энг муҳим манфаатларимизни биргаликда илгари суриш юзасидан келишиб олдик.

Биз давлатларимиз томонидан танлаб олинган ривожланиш йўлини ўзаро қатъий қўллаб-қувватлаймиз, сиёсий барқарорлик ва давлат ҳокимияти хавфсизлигини ҳамкорликда таъминлаймиз. Тараққий йўлидаги амалий ҳамкорлигимизни ҳар томонлама чуқурлаштириш, ривожланиш стратегиясини мустақамлаш, савдо-иқтисодий алоқалар имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари, инфраструктура, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича ҳамкорликни янада жонлантириш ишларини амалга оширамиз. Шунингдек, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклини мазмунан тўлдириш мақсадига ҳамкорлик доирасидаги устувор лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашни янада оширишга, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга, хавфсизлик бўйича ҳамкорликни мустақамлашга ҳамда халқаро майдондаги ишларни мувофиқлаштиришни қучайтиришга аҳамият қаратамиз.

Хитойда «Дўстнинг қанча кўп бўлса, йўлинг шунча кенг бўлади», деган мақол бор. Олий Мажлис аҳоли турли қатламларининг энг нуфузли вакиллари ўзида мужжасам этади, сиз эса, хурматли депутатлар — Хитой халқининг дўстларисиз. Уйлайманки, сиз келажакни кўра билган ҳолда, Хитой — Ўзбекистон алоқаларини янада раванқ топтиришга, ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлаш ва дўстлигимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшасиз.

Хонимлар ва жаноблар, азиз дўстлар!

Ўзбекистонга ташрифим кун тартибидан яна бир муҳим тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида иштирок этиш ҳам ўрин олган. Жорий йилда ташкилотимиз тузилганига 15 йил тўлади. Утган йиллар давомида ШХТ «Шанхай руҳи»ни, яъни, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенг ҳуқуқлилик, маслаҳатлашувлар, маданиятлар ранг-баранглигига ҳурмат ва ҳамкорликда тараққийга интилиш тамойилларини ривожлантиришга, халқаро муносабатларнинг очиқлик, ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш ва умумий ютуқларга эришиш принциплари асосидаги янги намунасини фаол илгари сурган ҳолда минтақа барқарорлиги ва фаровонлигига муҳим ҳисса қўшди. Ташкилот такомиллашгани сари кенгайиб бормоқда ва бугунги кунда ШХТ оиласида Марказий, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган 18 та давлат мавжуд. Ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг салоҳияти тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Унинг халқаро майдондаги мақоми ва таъсири тобора ошмоқда.

Ўзбекистон ШХТга раислик қилган мамлакат сифатида Ташкилот доирасида йўлга қўйилган кўп қиррали ҳамкорликда амалий натижаларга эришишда улкан ҳисса қўшди. Бунинг учун Президент Ислон Каримовга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Хитой томони ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳамда Ташкилотга аъзо бошқа давлатлар билан Тошкент саммитини янги старт нуқтаси сифатида қабул қилиб, минтақа мамлакатлари ва халқлари раванқ йўлида ШХТ доирасидаги ҳамкорлик даражасини ҳар томонлама юксалтиришга тайёрдир.

Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоий ўз шеърда айтганидек, «мен халқим бахтли ва фаровон яшашини истайман». Бу эзгу истакни бизнинг умумий мақсадимиз ва абадий орзу-ниятимиз деб ҳисоблайман. Шунингдек, Хитой ва хитой халқи Ўзбекистон ҳамда дунёдаги бошқа барча мамлакатлар халқлари билан биргаликда инсоният тинчлиги ва тараққийга хизмат қилишдек олий мақсад йўлида доимо қўлни-қўлга бериб ҳарқат қилишга тайёр эканини билдирмоқчиман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 29 июни Оксаройда Польша Республикаси, Венгрия Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Корея Республикаси ва Афғонистон Ислон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Петр Ивашкевич, Петер Санто, Ерик Утембаев, Содиқ Имомий, Квон Ён У, Сайид Шаҳобиддин Темурийдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари Европа ва Осиё дипломатик миссиялари раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон ушбу давлатлар билан ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришини таъкидлади ва уларнинг масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Польша элчиси билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганидан буюн ўтган 24 йил давомида кўп қиррали ва самарали мулоқот йўлга қўйилиб, сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик бўйича ижобий тажриба тўплангани ва ҳамкорликнинг қарийб 50 ҳужжатдан иборат салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асоси шаклланигани таъкидланди.

Петр Ивашкевич Ўзбекистон халқи польшаликлар қалбидан алоҳида жой олганини таъкидлади. Польшада Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган фуқароларга кўрсатилган ёрдам юксак қадрланади ва бу ўзаро муносабатларга алоҳида самимият бағишлайди.

Венгрия элчиси билан суҳбатда Ўзбекистонда Венгрияга мамлакатимизнинг Шарқий Европа ва умуман, Европа иттифоқидagi аънавий ва муҳим шериги сифатида қаралиши қайд этилди.

»(2).

Ўзбекистон — мутахассислар мамлакатини

## Эътибор ва рағбат

Ёшлар ижод саройида Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» аънавий танловининг шаҳар bosқичи ўтказилди.



## ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ



# Ишонч ёрлиқлари топширилди

**Ќ(1).** Олий мақом ва юқори даражадаги ташрифлар доирасида икки томонлама муносабатларга мустақкам асос яратилган ва келажакдаги ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгиланган.

Венгриянинг қароргоҳи Тошкентда бўлган биринчи элчиси сифатида фаолият бошлаган Петер Санто турли соҳаларда Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигининг мажбуриятларини рўйбега чиқаришга салмоқли хисса қўиши Ўзбекистондаги миссиясининг асосий йўналиши деб билиниши таъкидлади.

Эрик Утембаев билан суҳбатда Ўзбекистон ва Қозоғистон мустақилликка эришганидан буён ўтган 25 йил давомида мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли умумий манфаатларига асосланган ҳамкорликнинг янги даражасига эришилгани таъкидланди.

2016 йилнинг 14-15 апрел кунлари Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон муносабат

каралари ўзаро алоқаларда муҳим ўрин эгаллаб, кенг қўламли масалалар, жумладан, минтақавий муаммолар ҳамда ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича фикр алмашиш имконини берди. 2015 йилда ўзаро савдо ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан ошди, транспорт, коммуникациялар ва транзит соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг ижобий тенденциялари кузатишмоқда.

Қозоғистон элчиси ўзаро манфаатли муносабатлар бўйича тўпланган тажрибани асраш ва бойитиш, ҳар икки давлат ва халқ манфаати учун амалий вазифаларни ҳал этишга қўмаклашиш Ўзбекистондаги дипломатик миссияси диққат марказида бўлиши таъкидланди.

Тожикистон элчиси билан учрашувда ўзбек ва тожик халқларининг тақдирини умумий тарих, маънавий қадрият ва аънаёлар боғлаб туриши таъкидланди. Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ саммити асносида Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари ўртасида ўтказилган учрашув ҳамда

унда эришилган келишувлар Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Содиқ Имомий янги тайинланган элчи сифатида ўзаро ҳамкорликни изчил мустақкамлашга ўз хиссасини қўишига тайёр эканини таъкидлади.

Корея Республикаси элчиси билан суҳбатда Жанубий Кореянинг Бош вазири Хван Гё Аннинг яқинда Ўзбекистонга келгани ва 21 май кунги кенг қўламли қўша лойиҳа — Устюрт газимё мажмуаси қурилиши якунлангани ва унинг расмий очилишига бағишлаб ўтказилган маросим мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустақкамлашиб бораётганини яна бир ёрқин тасдиғи бўлгани таъкидланди.

Элчи Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовга ҳурмат-эҳтиромини етказар экан, Жанубий Корея раҳбарияти Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни бундан буён ҳам янада мустақкамлаб, янги

мазмун билан бойитишга тайёр эканини, ушбу мақсадларга эришиш учун бутун куч-гайратини ишга солишини таъкидлади.

Афғонистон элчиси билан учрашувда кўп асрлик яқин қўшничилик ва бир-бирига ёрдам бериш аънаъларига Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг мустақкам асоси экани қайд этилди.

Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклашда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон мутахассислари иштирокида Афғонистонни ташқи дунё билан боғлайдиган ягона Термиз — Мозори Шариф темир йўл тармоғи барпо қилинди, бошқа инфратузилма лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилмоқда. Афғонистонга, жумладан, Қобул шаҳрига электр энергияси узлуksиз етказиб берилмоқда.

Сайид Шаҳобиддин Темирий Афғонистон халқи Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклашга амалий ёрдам кўрсатаётганидан чуқур миннатдор эканини таъкидлади.

Президентимизнинг хорижий давлатлар элчилари билан суҳбати чоғида минтақавий ва халқаро сийсатда доир долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎЗА

## Танлов

# Энг яхши ишчи касб эгаси

Ёшларга оид давлат сийсатининг изчил амалга оширилишида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш, ишчи касбларни оммалаштириш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлашга кенг эътибор қаратилаётди. Шу мақсадда жойларда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўрта махсус касба-хунар таълими маркази ўртасида «Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш» лойиҳаси доирасида «Энг яхши ишчи касб эгаси» танлови ўтказилаётди.



Жумладан, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси тизимидаги корхона ва ташкилотларда танловнинг «Пайвандалаш ишлари» йўналиши бўйича ёш пайвандчилар сараланиб, тармоқнинг Тошкент шаҳридаги биринчи bosқичи голиби аниқланди.

Ҳақамлар хулосасига кўра, «Авто-теххизмат» ТҲАЖ пайвандчиси Шерали Жўраев голиб деб топилди, танловнинг республика bosқичига йўналиш олдди. Ш.Жўраев Кишлоқ хўжалик коллежини тамомлаб ўтган йилдан буён «Автотеххизмат» ТҲАЖ-да пайвандчи бўлиб ишлаб келмоқда. Мазкур ташкилотда автомашиналарни таъмирлаш, аҳолига техник хизмат кўрсатиш ишларини сифатли ташкил этишда ишчилар учун барча қулай шароитлар яратилган. Дам олиш, гигиена, овқатланиш хоналари ташкил этилган. Ташкилотда спорт ва соғломлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Хусусан, спорт секциялари ва тренажёр заллари жиҳозланиб, ишчилар ихтиёрига топширилган.

**Шодия АЮПОВА,**  
Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши тасарруфидоги касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида ҳам «Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-технология», «Ошпаз», «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» йўналишлари бўйича танлов ташкил этилди. Унда 52 нафар битирувчи касбий лаёқатини намойиш этди.

Сартарошлик ва амалий синалов ўтказиш орқали аниқланди. «Сартарошлик» ва «Ошпаз» йўналишларида голиблик Андижон 2-маънавий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига, «Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-технология» йўналишида голиблик Андижон маънавий хизмат касб-хунар коллежи битирувчиларига nasib этди.

Ҳолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совгалари билан тақдирланди.

**Б.ҲАМДАМОВ,**  
тармоқ ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

# Энг фаол ёш мутахассис

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови «Энг фаол ёш банк ходими» йўналишидаги Жиззах вилоят ҳудудий bosқичи якунланди.

Унда банк тизимида фаолият юритаётган 168 нафар ёш ходим иштирок этди. Улардан энг ташаббускор ва билимдонлар аниқланди. АТБ «Микрокредитбанк» вилоят бошқармасидан Камол Сангиров, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк вилоят бўлимида Хуршид Жавлонов, АТ «Қишлоққурилишбанк» Жиззах минтақавий филиалидан Камол Абдуллаев, АТ Асака банк вилоят бўлимида Камоллидин Ҳазратқул, АТИБ Ипотека банк вилоят филиалидан Жаҳонгир Турғунов, АТ Халқ банки вилоят филиалидан Дилфуза Юсупова, АТБ «Турон банк» вилоят бўлимида Сардор Сангировлар биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Тошкент молия институтининг охириги курсида ўқиб юрган кезларим «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкига ишлаш иштиёғи пайдо бўлган эди, — дейди «Энг фаол ёш банк ходими» танлови голиби Камол Сангиров. — Эндиликда, ушбу банк вақили сифатида танловда муваффақиятли иштирок этганимдан жуда мамнунман.

Ҳолиблар республика bosқичида қатнашиш имкониятига эга бўлишди.

**Алишер КАРИМОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Бухоро вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Энг фаол ёш банк ходими» танловининг иккитидори ва фаол 21 нафар ёш банк ходими иштирок этди. Уларнинг касбий билими ва маҳорати, эришган ютуқлари ҳамда тақдимотлари ҳақамлар томонидан баҳоланди.

Яқунга кўра, 1-ўринни АТИБ «Ипотека банк» Сардор филиали мутахассиси Суннатилло Очиллов кўлга киритди. 2-ўринга АТ «Халқ банки» вилоят филиали ходими Фироз Муродов, 3-ўринга эса ТИФ «Миллий банки» вилоят бўлимида вақили Жавлон Умидов муносиб қўрилди.

Шунингдек, танловда фаол иштирок этган ёш банк ходимларига «Энг қизқарли инновациян голя соҳиб», «Энг изланувчан иштирокчи», «Энг ташаббускор касба уюшма фаоли» йўналишлари бўйича рағбатлантирувчи ўринлар берилди.

Ҳолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совгалари билан тақдирланди.

**Ҳаётжон ШАРИПОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Ўзбекистон Фанлар академиясида «Йилнинг энг фаол ёш олим» танловининг Тошкент шаҳар bosқичи бўлиб ўтди. Бугунги кунгача саралаш bosқичларидан 100 дан ортиқ ёш олимлар иштирок этиб, шаҳар bosқичига улардан 20 нафардан ортиғи етиб келди. Ушбу bosқичда ҳақамлар ҳайъати томонидан ёш олимларнинг меҳнат ҳуқуқи, инглиз тилини ўзлаштирганлик даражасига алоҳида аҳамият қаратилди.

Танлов якунига кўра, УэФА тизимидаги илмий тадқиқот муассасалари бўйича 1-ўринни Энергетика ва автоматика институти катта илмий ходими Олимжон Тоиров ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфи бўйича 1-ўринни «Бокс, қиличбозлик ва таъқвонда назарияси ва услубиети» кафедраси ўқитувчиси Сойиб Тожибоев эгаллади. Улар эндиликда танловнинг республика bosқичида иштирок этди.

Ҳолиб ва иштирокчиларга УэФА маъмурияти бирлашган касба уюшмаси, УэФА Ёш олимлар кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан сертификат ва эсдалик совгалари топширилди.

**Давронбек ОРИПОВ**  
«Ishonch» муҳбири.  
Козим УЛМАСОВ олган сурат



## Муносабат

Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Одамларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган ишонч ва садоқатлари, меҳр-мурувватларининг самимий бўлиши ҳам асосан юрт тинчлигининг самарасидир. Агар истиқлолнинг ўтган йигирма беш йилгига назар ташласак, пойтахтимиз, вилоятлар марказлари, шаҳар, қишлоқларимиз, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам катта ўзгаришлар рўй берганига гувох бўламиз. Юртимиздаги хотиржамлик ва барқарорлик туфайли хонадонларда тўю томошалар, байрам шодилар бир-бирига уланиб кетмоқда. Бу неъматларга чин маънода шукрона қилиш ва уларнинг қадрига етиш керак.

# Тинчлик учун барчамиз масъулмиз

Юртбошимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқида «...Биз бугунги кунда ён-атрофимиздаги дунё нақадар шиддатли суриятлар билан ўзароги бораётганини, қарама-қаршилик ва можаролар кучайиб, жаҳон бозорларида беқарорлик ва мавҳумлик сақланиб қолаётганини, алоҳида ташвиш уйғотаётган халқаро терроризм, экстремизм ва тобора ёйилиб, тарқалиб бораётган радикализм кўлами хатарли тус олаётганини яхши англаймиз ва тасаввур қиламиз» деган сўзларини ўқиб, очиги бугунги осойишта кунимизга, бошимиз узра чарақлаб турган офтоб, мусаффо осмон учун бир оила бекаси, она сифатида яратганга шукроналар келтирдим.

Тинчликнинг қадрига етиш, уни сақлаб туришда оилада ота-онанинг роли катта. Ота-она фарзандларига тинчлик олий неъмат эканлиги, тинчлик ҳукм сураётганлиги сабабли фаровон ҳаёт кечираётганимизни мунтазам тушунтириб боришлари даркор. Айниқса, аёл киши болалари тарбиясига масъул бўлгани учун ҳам уларга тинчлик ўзи нима экани, бугунги кундаги мустақиллигимизга осонлик билан эришмаганимиз, унинг қадрига етишимиз кераклигини тушунтириш билан бир қаторда фарзандлариде миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириб бориши зарур. Шундангина фарзандларимиз элим-юртим деб ёниб яшайди ва жамиятга керакли шахс бўлиб етишади.

Дунёнинг турли нуқталарида дин никобидаги бузғунчи оқим ва фирқалар тинчлик, осойишталик, миллатлар ва динлар ўртасидаги аҳилликка раҳна солиш мақсадларидан қайтшигани йўқ. Бу эса ҳар биримиздан доимо хушёрлик ва огохлиқни, ёшлар тарбиясига масъулият билан ёндашишни, уларнинг диний билими ва саводхонлигини тинмай ошириб боришни, шу йўл билан жаҳолатга маърифатни қарши қўйиб, улар қалбини четдан бўлаётган барча хуружлардан қатъий ҳимоя этишни талаб этади.

**Гулноза ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
Шайхонтоҳур туманидаги 3-давлат нотариал идораси нотариус

# ШХТ саммити жамоатчилик нигоҳида

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2016 йилнинг 23-24 июн кунлари пойтахтимизда ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунларини ўрганишга бағишланган экспресс-сўров ўтказди.

Сўров натижалари шундан далолат берадики, мамлакатимиз фуқаролари Президентимиз Ислоом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Ўзбекистоннинг раислиги давридаги фаолиятига юксак баҳо берган. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентдаги мажлиси ушбу ташкилот тарихида ШХТ фаолиятини самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда хавфсизликни мустақкамлаш мақсадида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлаган.

Фуқароларнинг аксарияти (91,8 фоизи) саммитни кузатдингизми, деган саволга ҳа, деб жавоб берган.

Сўров халқимиз ўз мамлақати ва энг нуфузли ташкилотлардан бирига уч марта раислик қилган Президентини ҳамда унинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб бораётгани билан фахрланишини кўрсатди. Сўров иштирокчиларининг 100 фоизи шундай жавоб берган.

Фуқароларимиз Тошкент саммитида Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга қўилиши тўғрисидаги масала ҳал этилганини ижобий баҳолайди.

Аксарият иштирокчиларнинг фикрича (92,2 фоиз), ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси хайрхоҳлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтди. Саммит иштирокчиларининг амалий мулоқот қилишга интилиши ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг кўп томонлама муваффақиятли ҳамкорлигининг

асосий омилига айланди.

Сўров якунларининг кўрсатишича, юртдошларимиз саммит натижаларидан тўла қониқиб ҳосил қилган. 98,2 фоиз иштирокчилар фикрича, ШХТнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов раислигида ўтган Тошкент саммити ШХТ Давлат раҳбарлари ташкилот доирасида кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақкамлашга доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш билан бирга, бошқа минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш имконини берди.

Юртдошларимизнинг кўпчилиги (92,4 фоизи) саммитда ШХТни янада мустақкамлаш, унга аъзо давлатлар хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш бўйича эришилган келишувларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Сўровда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарларининг Тошкентда ўтказилган 15-йилбей мажлисида қабул қилинган қарорлар ШХТ маконида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини янада мустақкамлаш, тинчлик, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Экспресс-сўров давомида аҳоли томонидан Ўзбекистон ва шахсан Президент

Ислоом Каримовнинг ШХТга раислик қилгани тарихий аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди. 97,3 фоиз иштирокчилар фикрига кўра, ШХТ Давлат раҳбарлари учрашувиде эришилган улкан муваффақият ва ижобий натижалар кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги ҳамда Президентимиз раҳнамолигида мажлисга юксак савияда тайёргарлик кўрилгани самарасидир.

97,6 фоиз иштирокчи ШХТнинг Тошкент саммитидан кутулган самарага тўлиқ эришилди, деб ҳисоблайди. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Президентини раҳнамолигида халқаро муносабатларни ривожлантириш орқали ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришга доир самарали чоралар қўрилайётгани, Марказий Осиё минтақаси ва умуман, ШХТ маконида хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муҳим ташаббуслар ишлаб чиқилиб, жорий этилаётганига ишончи қомил.

Сўровда иштирок этган 99,6 фоиз респондентнинг фикрича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 15-йилбей мажлиси Тошкентда муваффақиятли ўтказилгани мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги маънавий янада юксалтиришга хизмат қилади.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида УЗА муҳбири Нодира МАНЗУРОВА тайёрлади.**

## Ватанга хизмат — олий саодат

# Мамлакатда ягона даргоҳ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган олий таълим муассасалари орасида Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг алоҳида ўрни бор. Ушбу билим маскани юртимиз истиқлоли билан салкам тенгдош бўлиб, соҳага етуқ мутахассис кадрларни тайёрлаш билан шуғулланади.

Давлат идоралари ва фуқароларнинг мол-мулки ҳамда инсонлар ҳаётини ёнгиндан асраш, унинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш, моддий бойликларни кўз қорачиғидек сақлаш, қўриқлаш ва бошқа тадбирларни мустақил ўтказиш олаҳида эътибор қаратмоқда.

Истиқлол йилларида мазкур ўқув масканида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Таълим муассасаси ўзининг мустақкам моддий-техник ба-

засига эга бўлиб, ўқитишнинг энг замонавий техник жиҳозлари билан таъминланди. Ўқув-лаборатория бинолари, тиббиёт қисми ва Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари учун махсус бино, маънавий хизмат кўрсатиш масканлари курсантлар ихтиёрида. Бундан ташқари, жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказишга муволажаланган тир ва ўқув-ёнгин ўчириш қисми, спорт зали ҳамда майдонда курсантларнинг шуғулланиши учун барча шароит мавжуд.

Ўқув машғулотларининг амалий идоралар билан уйғунлаштирилиши, Тошкент шаҳрида содир бўлаётган ёнгинларни ўчиришда курсантларнинг бевосита иштироки таъминлангани мутахассислар сифатига ижобий таъсир кўрсатапти.

Ўқув даргоҳида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги кунда бир нафар фан доктори ва ўн бир нафар

фан номзоди илмий даражасига эга мутахассислар фанининг турли соҳалари, жумладан, ёнгин хавфсизлиги муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб боришаётир. Сўнги йилларда мактаб профессор-ўқитувчилари томонидан давлат тилида 160 дан ортиқ ўқув-услубий адабиётлар чоп этилди. Ходимлар ўндан ортиқ халқаро, республика ва олий таълим муассасаларида ўтказилган илмий-амалий конференция ҳамда семинарларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Айтиш керакки, мазкур таълим маскани ёнгин хавфсизлиги соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича республикада ягона ва етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ушбу муассасада ташкил этилган Ёнгин хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш бўйича илмий-текишириш марказида турли йўналишда кенг қамровли илмий-тадқиқот

ишлари амалга ошириляпти.

Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби илмий салоҳияти жиҳатидан юқори кўрсаткичларга эришиш билан бирга, спорт соҳасида ҳам қатор ютуқларни кўлга киритаяпти. Мактабда 3 нафар халқаро тоғфадаги ҳамда 10 нафардан ортиқ спорт устаси бўлиб, улардан 5 нафари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабини тамомлаган курсантлар осойишталик посбони деган шарафли номни оқлаб, Ватанимиз равнақи, тинчлиги ҳамда фуқаролар хотиржамлиги йўлида самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда.

**Неъмат УРАЗБОВ**




# Касаба уюшмалари мустақиллик йилларида

Истиқлол йилларида энергетика соҳаси жадал суръатда ривожланиб, Ўзбекистон энергия манбалари бўйича ўзини тўлиқ таъминлайдиган бўлди. Республика иқтисодининг асосий тармоқларидан ҳисобланувчи ушбу соҳанинг ривожланиши учун кенг имкон яратилди. Хуқуқий асослар ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари САИДМУРОД ТУХТАЕВ билан суҳбатимиз шулар ҳусусида бўлди.

— Соҳа ҳақида гап кетганда, аввало, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти кўз олдимизга келади. Зеро, у тизимнинг хавфсиз, ишончли ишлаб туриши, энергияга тобора ортиб бораётган эҳтиёжнинг таъминловчисидир. Шу маънода суҳбатимизни жамият фаолияти ҳусусида бошласак...

— «Ўзбекэнерго» АЖнинг ташкилий тузилмасига 54 та ҳар хил мулкчилик шаклига эга бўлган корхона ва ташкилот кириди. Таъкидлаганимиздек, асосий фаолият тизимнинг хавфсиз, ишончли ишлаши, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолини электр ва иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш, энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги



нинг кўнимлилиги таъминланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Курултойида тасдиқланган стратегик йўналишларга мувофиқ касаба уюшмалари томонидан корхона ва ташкилотларда иш бевуқчаларнинг энг кам иш ҳақи меъёрига риоя этиши устидан жамоатчилик мониторинги ўрнатилди.

— Фуқаролар мурожаатлари бўйича сўнги кўрсаткичлар қандай?

— Бу борада ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Натижа эса қонунбузилиш ҳолатларининг камайганини кўрсатмоқда. Сўнги икки йилда 65 та ёзма, 44 та оғзаки, 28 та «Ишонч телефонлари» ҳамда 3 та интернет орқали қилинган — жами 140 та мурожаат кўриб чиқилди. Уларнинг барчаси ҳал этилди. Янги 111 таси қаноатлантирилди, 29 таси юзасидан муаллифларга тушунтириш берилди. Ходимларнинг касбий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи бузилган ҳолатлар бўйича иш бевуқчаларга киритилган 17 та тақдимнома орқали қонунбузиш ҳоллари бартараф этилди. Натижада, 1 млрд. 371 млн. сўм миқдоридagi зарар ундириб берилди.

— Маънавий жабҳадаги саъй-ҳаракатлар ҳам ишчи-ҳодимларнинг иш унвондорлигига яхшигина ижобий таъсир этади...

— Тармоқ меҳнатқашларига маънавий-маърифий хизмат кўрсатиш, уларнинг маданий савиясини янада ошириш, маданий хордиқ чиқаришига кўмаклашиш учун 13 та кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда 5 мингга яқин — сиёсий, бадиий адабиётлар бор. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, «Маънавият соатлари»ни ўтказиш, тармоқ тасарруфидagi маданият масканлари фаолиятини оқилона ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қарилган. Жумладан, корхона ва ташкилотларда «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш», «Соғлом бола — соғлом оила меваси», «Қариси бор унинг париси бор», «Сиз доим эъзоздасиз», «Фахрийлар — фахримиз», «Мени улуғларим касб» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш аънава тусини олган. Ҳар йили ишчи-ҳодимларнинг Бухоро, Самарқанд, Урганч, Нурота, Тошкент, Термиз шаҳарларига саёҳатлари уюштириб борилади. Меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга жалб этиш ҳамда бўш вақтини самарали ўтказиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмапти...

— Хулоса ўрнида...

— Юқорида қайд этилган тизимга тегишли лойиҳалар амалга оширилиб, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши корхоналар тараққиётига хизмат қилиш баробарида тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига иш бевуқчалар билан ижтимоий шериклик асосида ишчи-ҳодимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни қўлайтириш борасида янада зарурли масъулият юклайди. Демак, олдинда қилишимиз лозим бўлган ишлар кўп.

Мустақиллик бизга ниҳоятда катта имконият тўхфа этди. Қўртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати, шаъни бебаҳо қадрият сифатида эъзозланмоқда. Буларнинг бари юртимиздаги тинчлик, оқоимшалик ва ўзаро ҳам-жихатлик самарасидир. Бу ҳақиқатни барчамиз қадрлашимиз даркор.

«Ishonch» муҳбири  
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ  
суҳбатлашди

# Нурафшон манзиллар сири

замонавий технологияларни татбиқ этиш орқали соҳани ривожлантиришга қаратилган.

Жамият таркибига умумий қуввати 12,4 млн. кВт бўлган 39 та электр станцияси мавжуд. Уларда замонавий буғ-газли ва газ-турбинали қурилмалар асосида электр қуввати ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари қўлланилиши бўйича амалий ишлар бажарилмоқда. Марказлаштирилган электр таъминоти тизимига умумий қуввати 475,5 МВтга эга блокстанциялар уланган.

Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармониغا мувофиқ 2015 — 2020 йилларда 6 та йirik лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш энергия блокларининг фойдали иш коэффициенти 55-60 фоиздан кам бўлмаган юқори самарали энергия ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини тўла татбиқ этишига имкон яратди. Шунингдек, электр энергияси ҳисоб-китоб-чи жарайида автоматлаштирилган назорат тизимини модернизациялаш масаласи «Ўзбекэнерго» АЖнинг асосий эътиборидан жой олган. Ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбасидан фойдаланишни ривожлантириш соҳасида Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида 100 МВт қувватга эга қуёш электр-станцияларини қуриш ҳам кўзда тутилган.

— Дарвоқе, қуёш батареяси каби шамолдан энергия олиш ҳам ўқувчи кизлик, албатта. Шу ҳақда ҳам қисқача тўхталсак...

— Шамол атласига асосланган ҳолда «Ўзбекэнерго» АЖ томонидан иккита истиқболли ҳудуд аниқланган. Бирин Навоий вилоятида, иккинчиси Қорақалпоғистон Республикасида. Ҳар икки ҳудудда ҳам узоқ муддатли сифатли шамол шартлари мавжуд бўлиб (Нукусда 60 минг МВт ва Зарафшонда 75 минг МВт), жойлашуви ҳам қулай. 85 метр баландликдаги шамол тезлиги ва йўналиши, ҳаво зичлиги ва ҳароратини ўлчовчи асбоб-ускунали метеорологик минора (мачта)лар ўрнатилган. Натижа шуни кўрсатдики, Нукус ҳудудида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 326 миллион кВт·с, Зарафшон ҳудудида 358 миллион кВт·с. Ҳар икки ҳудудда ҳам лойиҳани кенгайтириш учун имкониятлар бор.

— Қўлам шунчалик кенг экан, тизимда меҳнат қилаётганлар салмоғи ҳам шунга яраша бўлиши табиий. Бугун тармоқ бўйича касаба уюшма аъзолари сонини қанча ва улар манфаатлари ҳимояси қай даражада?

— Юртимизда фуқаролик жамияти барпо этилиши ҳуқуқий ва меърий асослари такомиллаштирилиши, иқтисодиётнинг тадрижий ривожини, таркибий қайта ўзгаришлар кенгайтириш, ижтимоий шериклик тамойилининг ҳуқуқий негизи мустаҳкамлашни касаба уюшмалари тизимида ҳам акс этди. Ҳозирги кунда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига аъзо юридик шахс мақомига эга 117 та корхона бор. Уларнинг барчасида жамоа шартномалари тузилган ва улар орқали 72069 нафар ҳодимнинг манфаати қамраб олинган.

Республика кенгашининг биргина 2014 — 2016 йиллардаги фаолиятига эътибор қарат-

сак. Касаба уюшмаси ишени мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотлар моҳиятига ҳамроҳ равишда ташкил этиш, амалга оширилишига кўмаклашиш, ЎзКУФ ва тармоқ касаба уюшмаси курултой қарорлари бажарилиши, устувор йўналишлардаги вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда бошланғичлар фаолияти самарадорлигини ошириш борасида талай ишлар қилинди. Тармоқ ва корхоналар даражасида ижтимоий шериклини қўлайтириш, жамоа шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Республика кенгаши билан «Ўзбекэнерго» АЖ ўртасида амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ 2014 — 2016 йиллар учун тузилган тармоқ тариф келишуви ва у асосида тизимдаги корхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари сифати ҳамда таъсирчанлиги қўлайтирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Корхоналар мақоми, мулкчилик шакли, ишлаб чиқариш ва технологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда жамоа шартномаларининг тармоқ мақети шартномалари билан белгиланган мажбуриятларни бажариш учун 2015 йилда жами 388 млрд. 214 млн. сўм сарфланди. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 1,47 баробарга ошгани билан аҳамиятлидир. Кенгаш иш режасига биноан «Иш бевуқчалар билан меҳнат соҳасида ижтимоий шериклини қўлайтириш ва жамоа шартномалари таъсирчанлигини оширишда касаба уюшма органларининг вазифалари» мавзусида ҳудудий ўқув-семинарлар ўтказилди. Уларда ҳуқуқий, ижтимоий, меҳнат муҳофаз-

си ва ташкилий мавзулар бўйича маърузалар қилинди...

— Янги ташкил этилган корхонада меҳнат қилувчи ходимларни касаба уюшмасига жалб этиш қай йўсинда амалга оширилади?

— Жойларда ижтимоий суғурта тўловларини тўлаётган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати таҳлили асосида уларни касаба уюшмалари хизматига жалб этиш ишлари юзасидан ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида тақсимот ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 14 та ҳўжалик субъектида меҳнат қилаётган 297 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига жалб этилди.

— Иш ўрни яратиш, касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, уларнинг қўнимчилигини таъминлашдаги ҳисса...

— Аъзо корхона ва ташкилотларда ўтган йили 717 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган эди. Ҳозирги кунга келиб 1115 та иш ўрни яратилди. Бандликка кўмаклашиш марказлари орқали тармоқ корхоналарига 2846 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган бўлиб, улардан 674 нафари меҳнат бозорига рақобат қила олмайдиган шахсларнинг бошқа табақалари учун қўвалантирилган иш жойларига тўғри келди. 30 та корхона ва ташкилотда 924 та касаначи билан меҳнат шартномаси тузилиб, улар касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 53 та корхонада 1284 нафар коллеж битирувчиси-

хисобига 1824 та янги иш ўрни ташкил этилгани кўрилади.

Банк томонидан ажратилган 475 миллион сўм кредит хисобига хориждан 40 га яқин замонавий тикув машинаси сотиб олиб, фаолиятини ривожлантиришга йўналтирдим, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги «ДОН САН» МЧЖ раҳбари Гулўйша Наврўзбоева. — Натижада, корхонада ишлаб чиқариш қуввати икки баробарга ортди, яна қўшимча 20 га яқин янги иш ўрни яратилди. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежини битирган ёшлар ташкил этди.

ЁШЛАРНИНГ КўМАКЧИСИ

Халқ банки фаолиятида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Натижада, жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган

ни қўллаб-қувватлаш борасида жорий йилнинг ўтган даврида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Битирувчилар, тадбиркорликка қизиқиши бўлган ёшларга бошланғич сармоа — кредитлар ажратиш бўйича банк сертификатлари топширилди.

Хусусан, Халқ банки томонидан ўз бизнесини йўлга қўйиш ниятидаги 560 нафар битирувчига 11 млрд. сўмдан кўпроқ кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 603 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 638 нафар оилавий тадбиркорларга 21 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, 554 та иш жойи яратилди.

ХОРИЖИ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ۇЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Халқ банки томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва

жада, қўшимча 367 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, 2014 йилнинг 24 июнида Халқаро Ривожлантириш Ассоциацияси томонидан «Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини ривожлантириш» дастурига асосан Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятларида қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини ривожлантириш, қайта тиклаш, қишлоқ ҳудудида янги ишчи ўринлари яратиш мақсадида жами 7,5 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит келишуви имзоланди. Ҳозирда ушбу кредит линиясининг хорижий валютасида ажратилган қисми тўлиқ ўзлаштирилишга эришилди ва бунинг натижасида 216 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси томонидан «Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини ривожлантириш» дастурига асосан Қора-

келинган ускуна корхонасига ишлаб чиқариш қувватини уч баробарга оширди.

Мўхими, қўшимча янги 10 га яқин иш ўрни яратилди. Бугунги кунда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифати тўдан яхшиланди.

Банк ресурс базасининг ўсиши иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари кредит қўйилмавари ва инвестициялари миқдорини ошириш имконини берди.

Йил бошидан 1 июнга қадар 238,8 млрд. сўмлик инвестиция кредитлари ажратилиб, уларнинг қолдиги 1 трлн. 224,2 млрд. сўмга етиб, банк кредит портфелининг 63,2 фоизини ташкил этди.

Ажратилган инвестиция кредитларининг 121,8 млрд. сўми саннат соҳасига, 10,0 млрд. сўми қишлоқ ҳўжалигига, 33,4 млрд. сўми транспорт ва коммуникацияга, 35,8 млрд. сўми қурилишга, 33,0 млрд. сўми муҳий техника таъминотида ҳамда 4,8 млрд. сўми бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Инвестиция кредитларининг барчаси банкнинг ўз маблағлари хисобига молиялаштирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, инвестицион кредитлар қолдиги 2015 йил 1 июн ҳолатига нисбатан 142,1 млрд. сўмга ёки 13,1 фоизга кўпайди.

ЭТИРОФ

Халқ банки мижозларга юқори сифатли замонавий банк хизматлари кўрсатиш билан аҳолининг яқин кўмакчиси айланиб бормоқда.

Жорий йилнинг апрел ойида ўтказилган «Bank Expo» банк фаолияти технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси якуналарига қўра ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Халқ банкнинг Бўстонлик филиали «Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаётган энг яхши ҳудудий банк филиали» сифатида голиб деб топилди.

Нуфузли «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги Халқ банкнинг халқаро кредит рейтингини «Барқарор» прогнози билан «В/В» даражасида тасдиқлади.

Шу билан бирга, «Аhbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан банк миллий шкала бўйича «Барқарор» прогнози билан «u2A» даражасида баҳоланди.

Бир сўз билан айтганда, АТ «Халқ банки» томонидан амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар халқимиз манфаати, аҳолимиз турмуш даражасини юксалтириш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Банк маълумотлари асосида  
Назозат УМУРАТОВА тайёрлади.  
Хизматлар лицензияланган.

## РЕКЛАМА ўРНИДА



**Мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили асосида амалга оширилган ислохотлар натижасида юртимиз иқтисодиёти жадал ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига қаратилаётган эътибор ниҳоятда муҳим аҳамият касб этапти.**

Мамлакатимизда банк тизимини янада мустаҳкамлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш, миллий валютанинг қадрини мустаҳкам сақлаш ва пировардида кучли ривожланган иқтисодий ва ижтимоий тизимини ислоҳ қилиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Акциядорлик тижорат «Халқ банки» иқтисодиётимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган молия муассасаларидан. 2016 йилнинг 1 июн ҳолатига кўра, мазкур банк тизимида 197 та филиал, 1121 та минибанк, жамғарма касса ва махсус кассалар фаолият юритиб келмоқда. Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати юқорилиги натижасида мижозлар сони кун сайин ортаётир.

**КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ йўлидаги ОДИМЛАР**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, ривожланишига кўмаклашиш — банк кредит сисъатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Кичик бизнеснинг мамлакатини иқтисодий юксалтириш, янги ишлаб чиқаришларини йўлга қўйиш, хизматлар бозорини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини, даромадлари ва турмуш тарзини фаровонлигини оширишда тугган ўрнини инобатга олиб, банк томонидан имтиёзли кредитлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Молия муассасаси томонидан жорий йилнинг январ-май ойлари давомида 3 558 нафар тадбиркорга 503 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга кўндр. Жорий йилнинг якунида қадар яна 805,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Шу вақтга қадар кичик бизнес субъектларига йўналтирилган кредитлар ҳисобига 3 263 та янги иш ўрни яратилди.

Мамлакатимизда маъшиий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва иш билан таъ-

минлаш кўзда тутилган. Айниқса, юртимизнинг олис қишлоқларида бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш масаласи долзарб саналади.

Халқ банки томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривож-

лантириш мақсадида 1 328 нафар тадбиркорга 121 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Ушбу хайри ишларнинг самараси ўларок, 805 та янги иш ўрни ташкил этилиб, чекка ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлашга эришилди.

— Халқ банкнинг молиявий кўмаги орзуларимдан бирининг ушалишига сабаб бўлди, — дейди яқка тартибдаги тадбиркор Умирбек Мамбетов. — Банк томонидан ажратилган 30 миллион сўм кредит эвазига Тўрткўл туманида аҳолига сифатли маъшиий хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик Режалар бисёр. Уларни амалга оширишда ҳам ушбу молия муассасаси кўмагига таянамиз.

**ХОТИН-КИЗЛАР МАДАДКОРИ**  
Шубҳасиз, Халқ банки хотин-қизларнинг яқин кўмакчисидир. Жорий йилнинг апрел ойида ўтказилган «Bank Expo» банк фаолияти технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси якуналарига кўра «Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинацияси кўлга киритилиши банкнинг кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича сезиларли ютуқларга эришаётганидан далолат беради. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг январ-май ойларида банк томонидан 1523 нафар тадбиркор аёлга 57,7 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилган ҳам фикримиз исботидир. Ушбу кредитлар



маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдирishi хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини қорлаб, уларнинг ҳам ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ёшларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашмоқда. Фармон талабларидан келиб чиқиб, банк томонидан таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш ва улар-

молиялаштириш учун Ислон хусусий секторини ривожлантириш корпорацияси билан 2013 йилнинг 29 сентябр санасида хорижий кредит линия жалб қилинган. Мазкур хорижий кредит линияси маблағлари ҳисобидан 10 та таълим муассасаларига асосан жами 13,03 млн. АҚШ доллари миқдорига лойиҳалар бўйича ижобий қарорлар қабул қилган ва Ислон хусусий секторини ривожлантириш корпорацияси томонидан молиялаштирилган. Амалга оширилган лойиҳалар хисобига Хитой, Германия, Италия, Туркия ва бошқа давлатлардан ишлаб чиқариш ускуна ва технологиялари олиб келинди. Нати-

